

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АШИРМАТОВА ХАТИРА СЕЙДРАХИМОВНА

**ТРОМБОФИЛИЯНИНГ ГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРИНИ АНИҚЛАШ
АСОСИДА ТЎР ПАРДА ВЕНАЛАРИ ТРОМБОЗИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ ПРОГНОЗЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Аширматова Хатира Сейдрахимовна

Тромбофилиянинг генетик маркерларини аниқлаш асосида тўр парда веналари тромбозининг ривожланиш хавфини прогнозлашни такомиллаштириш..... 3

Аширматова Хатира Сейдрахимовна

Совершенствование прогнозирования риска развития тромбозов вен сетчатки на основании детекции генетических маркеров тромбофилии..... 25

Ashirmatova Hatira Seydrahimovna

Improving of the prognosis of the risk of retinal vein thrombosis based on the detection of thrombophilia genetic markers..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АШИРМАТОВА ХАТИРА СЕЙДРАХИМОВНА

**ТРОМБОФИЛИЯНИНГ ГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРИНИ АНИҚЛАШ
АСОСИДА ТЎР ПАРДА ВЕНАЛАРИ ТРОМБОЗИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ ПРОГНОЗЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Tib.41 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Муяссар Хамитовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Имантаева Майра Беримжановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Касимова Мунираҳон Садыкжановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

РФ ССВ «Академик С.Н.Федоров номидаги «Кўз микрохирургияси» ТИТК» МТТМ» (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___) билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.М. Камилов

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг дорзарблиги ва зарурияти. Кўз тўр парда веналарнинг тромбози (ТПВТ) - бу тўр пардани марказий венаси ёки шохида қон оқимини секинлашуви натижасида тромботик массалар шаклланиши билан юзага келадиган мултифакториал касалликдир. ТПВТ тўр пардани шикастлаш оғирлиги ва эҳтимоли бўйича қанд касаллигининг ретинопатиясидан кейин иккинчи ўринда туради¹. IEDCга (International Eye Disease Consortium) мувофиқ «...дунёда ҳар йили касалланишнинг 16,4 миллион янги ҳолатлари рўйхатга олинади, бу тўр парда веналари тромбозининг тарқалиши 1000 аҳоли учун 5,2 та ҳолат бўлган»². АҚШ, Европа, Осиё ва Австралияда ўтказилган кенг миқёсли марказлаштирилган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, тўр парда веналарнинг тромбози турли жойларда юзага келадиган тромбоземболик асоратлар ривожланиш хавфининг прогноз кўрсаткичи сифатида қабул қилиш мумкин³. Охирги йилларда тўр парда веналар тромбозининг келиб чиқишида мултифакторли генез концепцияси тан олинган. Ушбу касаллик генетик ва орттирилган хавф омилларининг биргаликда учраши туфайли ривожланади ва тромбофилиянинг авж олишига олиб келади. Ҳозирги вақтда тромбофилиянинг бир неча генетик нуқсонлари аниқланган, уларнинг ташувчиси бўлиш гемостаз тизимида қон ивиши бузилишининг ривожланиши билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда дунёда илмий изланишларнинг йўналишларидан бири кўз олмаси қон-томирларининг ўткир патологияларида тўр парда веналарида тромб пайдо бўлишини генетик мойиллигини ва тромбофилик мутацияларни эрта ташхислаш эффективлигини ошириш ва юқоридаги жараёнларни аниқлаш. Ушбу соҳада келгусида тадқиқотлар зарурати тромбофилик ҳолатнинг узок вақт яширин мавжудлиги қон томир патологияси ва такрорий тромбознинг ривожланишида ҳисса қўшиши билан изоҳланади. Тўр парда веналари тромбозининг ривожланишида гипофибринолизнинг аҳамияти ҳақида адабиётда жуда оз сонли тадқиқотлар мавжуд ва гиперкоагуляция, гемостаз тизимидаги молекуляр-генетик ўзгаришларнинг ўрни аниқланмаган. Алоҳида минтақалардаги гемостаз тизимидаги детерминант генларни тарқалиши, популяцион статистика, уни жинс ва ёшга боғлиқлиги ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган.

¹ Крылова А.А., Запускалов И.В., Кривошеина О.И. Этиология и патогенез тромбоза ретинальных вен: современное состояние проблемы. // Бюллетень Сибирской медицины. - 2015. - Том 14. - №2. - С.82-90.

² Rogers S., McIntosh R. L., Cheung N., et al. The prevalence of retinal vein occlusion: pooled data from population studies from the United States, Europe, Asia, and Australia. *Ophthalmology*. 2010; 117 (2):313–319.

³ Sinawat S., Bunyavee C., Ratanapakorn T., Laovirojjanakul W., Yospaiboon Y. Systemic abnormalities associated with retinal vein occlusion in young patients.// *Clinical Ophthalmology*. - 2017. - Vol. 23. - №2. -P. 441-447.

Мамлакатимизда бугунги кунда юқори малакали ва юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматлар кўрсатишнинг яхлит тизимини ривожлантириш, кўз касалликларининг ривожланиш хавфини этиологик, патогенетик ва триггер омилларини топишга, уларни эрта ташхислашга ва асоратларни камайтиришга қаратилган кенг миқёсли дастурий фаолият олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги» 2018 йил 17 декабрдаги Фармонига асосан «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш»¹ белгиланган. Шу муносабат билан тиббиёт соҳасининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб кўз қон томирлари патологиясини олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш ҳисобига аҳоли ўртасида кўз касалликларини эрта аниқлаш йўли билан тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ–4947-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сонли Фармонига I-илова 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси, хусусан, предиктив тиббиётни ривожлантириш (наслий мойилликнинг олдини олиш), соғлиқ ҳолатига молекуляр генетик ташхис қўйиш, скрининг ва мониторинг қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлашининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ретинал веналар томирлари этиопатогенезини аниқлашга йўналтирилган кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлиб, касалликнинг ривожланиши гемостаз тизимининг плазмакоагуляция ва фибринолитик ўзгаришлар билан боғлиқлиги аниқланган. Кўз тўр пардаси веналардаги тромбозни ўрганишга бағишланган кўп миқдорли адабиёт манбалари мавжуд бўлишига қарамасдан (Biancardi A.L.et all., 2007; Glueck C.J. et all., 2008; Hayreh S.S. et all., 2012), уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5590 сонли Фармони.

орасида Ўзбекистонда тўр парда веналарнинг тромбози клиник-генетик жиҳатларини тавсифловчи ишлар йўқ. Тўр парда веналарнинг тромбози ривожланишида айрим мазкур генетик маркерларнинг аҳамиятига доир адабиётларда мавжуд бўлган маълумотлар жуда ҳам кам ва бир-бирига зид. (Mrad M. et all., 2014; Russo P.D., et all., 2015; Koylu M.T. et all., 2017). Тўр парда тромбозининг патогенезида тромбофилияни ирсий шакллариининг ўрганишига катта қизиқиш бўлишига қарамасдан, тўр парда веналари тромбозининг прогнози сифатида уларнинг аҳамияти ҳақида изланишлар кам.

ТПВТ ривожланишида генетик жиҳатдан аниқланган тромбофилик гемостаз тизимининг прокоагулянт ёки антикоагулянт омилларини кодловчи генларнинг ирсий ёки ортирилган нуқсонлар мавжудлиги алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунга келиб FV омили генлари мутацияларининг популяцион ўзига хослигини ўрганиш, протромбин ва МТГФР, PAI-I, шунингдек мазкур мутацияларнинг тўр парда веналарнинг тромбози бўлган беморларда тромботик ҳолатнинг ривожланиш хавфини ўзига хос хусусиятларига таъсир этиши билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмай қолмоқда (Астахов Ю.С. с соавт. 2008; Тульцева С.Н., 2014; Шелковникова Т.В., 2015; Хохлова Д.Ю., 2019).

Республикаимизда ТПВТ масалаларига бағишланган қатор ишлар олиб борилган: кўз тубининг қон томирларида қон алмашувнинг ўткир бузилиши билан боғлиқ патологияларида компютер дастурлари ёрдамида ташхислаш ва янги даволаш усуллари кўллаш таклиф этилган (Комилов Х.М., Косимова М.С., 1988; Юлдашева Н.М., 2004). Гемостаз тизимидаги мутация билан боғлиқ бўлган бир қатор полиморф генларнинг таъсири бўйича тадқиқотлар етарли эмас ва мавжуд бўлган маълумотлар тарқоқ ва зиддиятлидир. Ундан ташқари, Ўзбекистон аҳолиси орасида гемостазларни кодлайдиган генларнинг асосий полиморфизмлари тарқалишининг популяцион характеристикаси аниқ эмас ва ҳозирги вақтгача ТПВТ ривожланишида предикторларнинг ўрни номзод-генлар сифатида аҳамиятини баҳолаш амалга оширилмаган.

Фақат юқорида қайд этилган тромбофилия мутацияларининг популяцион ўзига хослигини муайян минтақа учун дастлабки ўрганиш ва мазкур касалликнинг генотипи ва фенотипи ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш эрта ташхис қўйишда ва кўз қон томирлари шикастланиши асоратларини олдини олувчи тадбирларда тўғри стратегияни танлаш имкониятини бериши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кўз микрохирургияси тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-10-СС-12237 “Тромбофилия айрим генларининг молекуляр таҳлили асосида тўр парда веналарида тромбоз ривожланишини олдиндан

аниқлаш омилларини ва унинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш” грант лойиҳаси доирасида (2012-2014йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб клиник, гемодинамик ва ирсий тромбофилиянинг генетик детерминантлари доирасида тўр парда тромбозларининг ривожланиш хавфини олдиндан аниқлашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: тромботик анамнез, ҳамроҳ касалликлар, хавф омиллари, соматик мақом ва ТПВТ клиник аломатларини аниқлаш;

тўр парда веналардаги окклюзив жараёнларнинг фарқини аниқлаш учун кўз гемодинамикасини тадқиқ этишнинг ташхис қўйишдаги аҳамиятини аниқлаш;

тўр парда вена қон томирларидаги окклюзив жараёнларнинг оғирлик даражасини аниқлашда ОКТ суратининг ташхислаш ва олдиндан аниқлаб беришдаги аҳамиятини аниқлаш;

тадқиқ этилаётган беморларда ва назорат гуруҳидаги шахсларда FII, FV, MTHFR ва PAI-I генларининг полиморфизмини аниқлаш;

тадқиқотнинг клиник, гемодинамик, гемостазиологик ва молекуляр-генетик усуллари асосида тўр парда веналарда окклюзия ривожланиш хавфини олдиндан аниқлаб бериш учун ташхислаш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида тўр парда веналари тромбози билан даволанган 152 та бемор ва тромботик анамнезга эга бўлмаган ва кўзлари касалланмаган 156 нафар шартли донорлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тўр парда веналарида тромбоз бўлган беморларнинг кўзлари назоратда бўлди, биокимёвий таҳлил учун қон ва қон зардоби, гемостазиограмма, туғма тромбофилияли детерминантларни молекуляр генетик генлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-функционал, визометрия, тонометрия, периметрия, офталмоскопия, биомикроскопия, ултратовуш А-В сканерлаш, кўз қон томирларининг доплерографияси, оптик когерент томография ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ТПВТ билан хасталанган беморларда гемостаз тизимининг полиморф генлари ва PAI- I фолат цикли геннинг аллелик ва генотипик вариантларнинг тарқалиши аниқланган;

FV генининг (G1691A), PAI-I генининг (-675 5G/4G), MTHFR генининг (C677T) полиморфизмлари ишемик типдаги тромбоз ривожланиши хавфини ошириши аниқланган;

ишемик типдаги ТПВТнинг мустақил диагностик ва прогностик маркери сифатида айрим мезонлар бўйича патологиянинг “ўртача таснифлагичи” деб қабул қилинадиган MTHFR (C677T) ва PAI-I (-675 5G/4G) полиморф генлар қўлланиши мумкинлиги аниқланган;

МТНFR генининг (С677Т) ноқулай гомозиготали Т/Т генотипининг тақсимланишида у касаллик тарқалишида гендер ўзига хослик мавжуд эканлиги ва ўзаро нисбатнинг эркак жинси томонига ён босиши аниқланган;

тўр парда веналар тромбозини ташхислаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўз қон томирларини доплерографик тадқиқ этиш асосида тўр парда марказий веналари окклюзиясининг ишемик ва ишемик бўлмаган типларини ва унинг тармоқларини ташхислаш омиллари ишлаб чиқилган, тўр парда веналари окклюзиясининг иккала типи учун ОКТ суратининг ўзига хос хусусиятлари ва аломатлар кўрсаткичлари аниқланган;

қон қуйилишининг FV (Leiden) ва FII-протромбин (G20210A) омилларидаги генларнинг, маҳаллий популяцияда МТНFR (С677Т), PAI-I генининг ташхислаш учун аҳамиятга эга мутацияларнинг ва полиморф аллелларнинг тез-тез такрорланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар аниқланган;

мазкур молекуляр усулларини клиник амалиётга жорий этиш, FV омили, FII, МТНFR, PAI-I протромбинини генлар мутациясини эрта аниқлаш, келажакда ҳаёт учун хавфли бўлган тромбозларни ва тромбоэмболик асоратларни олдини олиш учун текширув дастурини ишлаб чиқишга йўналтирилган;

анамнезида қон томирлар тромботик касалликлари билан хасталанган ва ирсий мойиллиги бўлган беморларда генлар мутацияси аниқлаш учун FV(Leiden), МТНFR(С677Т) ва PAI-I генлар полимераз занжири реакцияси ёрдамида ташхислаш ўтказиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий, синовдан ўтган, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатория-инструментал ва статистик усуллар, беморларнинг етарли бўлган сони, олинган натижаларнинг хорижий ва юртимиз тадқиқотларига мос келиши, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан эътироф этилиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тромбозга берилувчанликни эрта аниқлаш омилларини ва тўр парда веналарида тромбоз бўлган беморларни даволаш-профилактикасини такомиллаштириш учун манба яратилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, кўз қон томирларининг доплерографик текшируви асосида тўр парда марказ венада ва унинг тармоқлари окклюзиясининг ишемик ва ишемик бўлмаган турларини ташхислаш омиллари ишлаб чиқилган, тўр парда веналарининг окклюзия типлари учун ОКТ суратининг ўзига хосликлари ва аломатлар кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тромбофилиянинг генетик маркерларини детекциялаш асосида тўр парда веналарида тромбоз

ривожланиши хавфини олдиндан аниқлашни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

“Тўр парда веналарида тромбоз бўлган беморларда PAI-I генининг 4G/5G полиморфизмини тадқиқ этиш” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 17.07.2018й. 8 н-р/195-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсияномалар ТПВТ бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга, ушбу патологияга эга беморларга ташхис қўйишни яхшилашга ва ТПВТ бошдан кечиргандан кейинги асоратларни камайтиришга ёрдам беради;

“Тўр парда веналарида тромбоз ривожланиши хавфи юзага келиши эҳтимолини олдиндан аниқлаш омиллари” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 17.07.2018й. 8 н-р/196-сонли хулосаси) номли услубий тавсияномалар тасдиқланган. Тромбофилиянинг генетик маркерларини детекциялаш асосида ТПВТ ривожланиши хавфини олдиндан аниқлаш усулларини тадқиқ этиш натижалари тромбозга Ўзбекистон Республикаси берилувчанликни аниқлашга, тадқиқотнинг қўшимча усуллари эса (кўз қон томирларининг доплери ва ОКТ) тўр пардадаги тромбозни типларга ажратишга ва кейинчалик ушбу патология мавжуд бўлган беморларни ташхислаш ва даволашнинг танланган усулини қўллашга киришиш имконини беради;

беморларда тўр парда веналари тромбозини ташхислаш ва даволаш самарадорлиги ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Гематология ва қон қуйиш ИТИ, ҳамда ТТЁКШда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 апрелдаги 8 н-д/76-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, беморларга юқори технологиялар воситасида ташхис қўйишни амалга ошириш ва асоратлар сонини камайтириш имконини беради. Бу эса иқтисодий самарадорликни оширишга ва кўриш ўткирлигини тиклаш бўйича ижтимоий вазифани ҳал қилишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2та халқаро ва 3та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг матбуотда эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижалари учун тавсия этилган илмий нашрларда 12та мақола, жумладан 10таси республика ва 1таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар ифодаланган, тадқиқот объекти ва мавзуи белгилаб олинган, иш натижаларининг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши баён этилган.

“Тўр парда веналаридаги тромбоз этиопатогенезига, ташхисланишига, клиникасига доир замонавий қарашлар” деб номланувчи биринчи боб 4-та кичик бобдан иборат ва ТПВТ этиопатогенези, эпидемиологиясига доир масалаларнинг, гемостаз, касалликни таснифлаш ва унинг клиникасига доир масалаларнинг бугунги кундаги ҳолатига бағишланган, унда кўз қон томирларининг гемодинамикасини замонавий ташхислаш, тадқиқ этиш масалалари ва ОКТ кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материали ва усуллари. Тўр парда веналарида тромбоз бўлган беморларнинг клиник тавсифи”** деб номланган иккинчи бобда ТПВТ ва унинг тармоқларида тромбоз бўлган 152 нафар беморларга оид клиник материаллар баён этилган. Эркаклар 83 нафар (54,4%) ва аёллар 69 нафар (45,4%) эди. ТПВТ бўлган беморлар тўр парда веналаридаги тромбознинг ишемик типига доир, А кичик гуруҳга (89 кўз) ва тўр парда веналаридаги тромбознинг ишемик бўлмаган типига доир Б кичик гуруҳга (63 кўз) ажратилган. Назорат гуруҳини кўз қон-томир касалликларига чалинмаган, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида яшовчи 156 нафар одам ташкил қилди, уларнинг 79 нафари (50,6%) эркаклар ва 77 нафари (48,4%) аёллар.

1-жадвал.


Беморларни, уларнинг ёши ва тўр парда веналаридаги тромбоз типига қараб, тақсимлаш

Ёши	Асосий гуруҳ (n =152)		Тромбознинг ишемик типи, А кичик гуруҳи (n = 89)		Тромбознинг ишемик бўлмаган типи, Б кичик гуруҳи (n = 63)		Назорат гуруҳи (n=156)	
	n	%	n	%	n	%	n	%
45 ёшгача	5	3,3	3	3,4	2	3,2	0	0
46-55 ёш	39	25,7	19	21,3	20	31,7	38	24,4
56-65 ёш	42	27,6	25	28,1	17	27,0	49	31,4
66-75 ёш	49	32,2	29	32,6	20	31,7	54	34,6
> 75 ёш	17	11,2	13	14,6	4	6,4	15	9,6

ТПВТ ишемик бўлмаган типи билан 55 ёшгача бўлган ёш ва ўрта яшар одамлар – 22 нафар (34,9%) бемор касалланган, шу билан бирга тромбознинг ишемик типи 24,7% ҳолатда ташхисланган. (1-жадвал).

Тўр парда веналарининг окклюзияси пайдо бўлган жойига қараб 74 (48,7%) нафар беморлар марказий ТПВТ ва 78 нафар (51,3%) беморлар тўр парда веналар шохи тромбозига ажратилди, улар орасидан 46 нафар (30,2%) бемор ТПВТ юқори-темпорал шохи шикастланишига, 27 нафар (17,8%) бемор ТПВТ пастки-темпорал тармоғининг шикастланишига эга, 2-та ҳолатда (1,3%) ТПВТ пастки-назал шохи шикастланиши ва 3 нафар (1,9%) беморда тўр парда макуляр вена шикастланиши мавжуд (1-расм).

Кўриш аъзосининг ҳамроҳ патологияларидан қуйидагилар аниқланган: 27 ҳолатда (17,7%) ёшга доир макуляр ёмонлашув (ВМД), 4 нафар (30,9%) беморда кўз гавҳарининг хира тортиши (катаракта), 5 ҳолатда (3,3%) артификация, 33 нафар (21,7%) беморда дастлабки очик бурчакли глаукома.



1- расм. Тўр парда веналарининг шикастланиши.

Беморларнинг муружаат қилиш муддатлари - дастлабки икки ҳафта -10 нафар одам (6,6%), 2- 4-чи ҳафтагача - 16 нафар одам (10,5%), 1 - 3 ойгача 74 (48,7 %), 3 ойдан кеч - 52 нафар одам (34,2%). Касалликнинг тадқиқотга қўшиш пайтидаги давомийлиги қуйидаги даврларга бўлинди: ўткир – 3 ҳафтагача, унча ўткир бўлмаган – 3 ойгача, сурункали - 3 ойдан кейин. ТВПТ билан беморлар асосан унчалик ўткир бўлмаган даврда муружаат қилишган. (2-расм).



2-расм. Беморларни касаллик босқичлари бўйича тақсимлаш.

Тўр парда веналарида тромбоз бўлган беморларда кўриш аъзосининг ҳолати куйидаги тадқиқот усуллари ёрдамида текширилди: оптик линзалар тўплами ёрдамида тузатиш билан “Shin – Nippon” CP – 30 (Япония) фирмасининг оптотиплар проектори воситасида кўриш ўткирлигини аниқлаш; периметрия ПРП – 60 (Россия) проекцион периметрда, оқ рангда, 3 (III) мм объект билан кўриш майдонини амалга оширилди; кўз соққаси тузилишининг биомикроскопияси “Nidek” фирмасининг (Япония) SL – 250 тирқиш лампаси ёрдамида ўтказилди; тонометрия - оғирлиги 10,0 г. бўлган Маклаков тонометри ва “Kowa” КТ – 500 (Япония) қонтактсиз тонометри билан аппланацион усулда амалга оширилди; офтальмоскопия - “Neitz” фирмасининг PSU – 3 (Япония) пешонага маҳкамланадиган офтальмоскоп ёрдамида, эгри офтальмоскопия учун мўлжалланган АҚШнинг 90D Clear, Volk қонтактсиз лизалари ва Гольдманнинг OG3МА (АҚШ) тирқишли лампасидаги уч кўзгули линзаси ёрдамида қорачик кенгайтирилган шароитда тўғри офтальмоскопия усулида ўтказилди; нисбий афферент (импулс узатувчи) қорачиқ нуқсонини аниқлаш ўтказилди; (ёруғлик пирпирашининг энг юқори такрорланиш даражасида уни узлуксиз ёруғликдан ажрата олмаслик Flash – test (Россия) ускунаси ёрдамида ўрганилди; “А/В 3D-ОТI Scan 2000” (Канада) ускунасида А/В – кўзларни сканерлаш; кўзларнинг қон томирларидаги қон оқимини доплерографик ўрганиш HI VISION Prerius ултратовуш тизимида ўтказилди; оптик когерент томография Optovue фирмасининг (АҚШ) RTVue–100 томографида ўтказилди: биокимёвий қон таҳлили ва гемостазиограммалар текшируви ўтказилди. Полимераз занжирли реакция (ПЗР) тромбофилия маркерлари молекуляр-генетик синовидан ўтказилганда мутациялар қон куйилишининг V омили генида G1691A, протромбин генида G20210A, MTHFR ва PAI-I генида C677T ПЦР усулида, ДНКнинг (амплифицияланган) қисмлари кесимининг (рестрикция) таҳлилини ўтказиш билан аниқланган.

Статистик ишлов бериш кўп ўлчамли (вариацион) статистика усули билан, Microsoft Excel дастурида, квадрат даражасининг ўртача оғишини ва ўртача арифметик хатоликни моментлар усули бўйича (M+m) ҳисоблаб чиқиш билан, Стьюдент (t) тавофутларининг ишончлилик омилини хатоликни ҳисоблаб чиқиш билан (p) ўтказилди. Мос келиш эҳтимоли $p < 0,05$ бўлганда тавофутлар тўғри деб ҳисобланди. Таққосланадиган гуруҳлар ёки кичик гуруҳлар ўртасида тавофутларнинг тўғрилигини генотиплар ва аллеллар частотаси бўйича аниқлаш стандарт формула бўйича хи-квардрат (χ^2) омили ёрдамида амалга оширилди. Назорат) ва тадқиқ этилаётган гуруҳ ўртасидаги ишончли тавофутлар мавжуд бўлган тақдирда, имкониятлар ўзаро нисбатининг (ИНК ёки odds ratio – OR) коэффициенти ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг “Тўр парда веналарида тромбоз бўлган беморларда анамнез, соматик (жисмоний) ва офтальмологик мақомларни, гемостаз кўрсаткичларини натижаларини баҳолаш деб номланган учинчи бобида

ТВПТ бўлган беморларнинг анамнези (бемордан ўз дарди ҳақида олинган маълумот), соматик мақоми тавсифланган. Анамнездан 19,7% наслдан-наслга ўтиш, 34,2% ортиқча тана вазни, 30,9 % чекиш, 24,3 % спиртли ичимликлар ичиш ҳолатлари аниқланган. Беморларнинг 2% узоқ имобилизацияни, 6,6% тана бўшлиғида ўтказилган узоқ муддатли жарроҳлик амалиётларини, 3,3 % стент қўйиш амалиётини бошдан кечиришган. 2% аёл жинсига мансуб шахслар исталмаган ҳомиладорликни олдини олувчи контрацептив дори воситаларини оғиз орқали қабул қилишган. Тизимли омиллардан артериал гипертензия 80,2%, бош мия қон-томирлари касаллиги 11,2 % ва юракнинг ишемик касалликлари 24,3 % ҳолатлари аниқланган; юракнинг

ишемик касалликлари 24,3 % ҳолатлари аниқланган; қон-томир асорати хусусиятига эга асоратлардан: беморларнинг 9,2% мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ва 6,6 % беморларда миокард инфаркти кейинги кардиосклероз аниқланган.


Ишемик типдаги ТПВТ бўлган беморларда ўтказилган кенгайтирилган Гемостазиограмма Хагеманга боғлиқ фибринолизда лизис вақтининг назоратга нисбатан ошганлигини кўрсатди ($p < 0,05$). Д димер киймати ҳар иккала кичик гуруҳда ҳам ортиқ бўлди ва назорат кўрсаткичларидан А ва Б кичик гуруҳларида мос равишда ҳам ошиб кетди ($p < 0,05$). (2-жадвал).

2- жадвал

ТПВТ бўлган беморларнинг кичик гуруҳларида гемостазнинг плазмокоагуляция ва қон-томир бўғинларини текшириш усуллари

Кўрсаткичлар	Тўр парда веналари тромбозининг типлари		Назорат гуруҳи (n=30)
	А кичик гуруҳи (n =40)	Б кичик гуруҳи (n =41)	
	X ±m	X ±m	
Виллебранд фактори, мг/л	182 ± 10,4 t=1,26 p>0,05	165 ± 8,6 t=1,26 p>0,05	70-150
Тромбоцитларни АДФ индуктори, билан қўшилиши, мкмоль/мл	65,3 ± 5,6 t=0,30 p>0,05	67,5 ± 4,8 t=0,30 p>0,05	60-90
Антитромбин III, %	103 ± 34,0 t=0,16 p>0,05	110 ± 28,0 t=0,16 p>0,05	70-120
Протеин С, НО	1,0	0,9	0,7-1,1
Хагеманга боғлиқ фибринолиз, мин.	13,2 ± 0,26 t=2,33 p<0,05	11,5 ± 0,68 t=2,33 p<0,05	5-12 мин.
Д димер, нг/мл	278 ± 12,0 t=4,25 p<0,05	210 ± 10,6 t=4,25 p<0,05	<500

Диссертация учинчи бобининг “**Клиник-функционал тадқиқотлар натижалари**” дея номланган кичик бобида тўр парда веналари тромбозига эга беморларнинг клиник-функционал кўрсаткичлари тавсифланган.



3-расм. Беморлар ТПВТ билан ва контрол гуруҳида кўриш ўткирлиги

Кўриш ўткирлиги. Ишемик типдаги ТПВТ бўлган А кичик гуруҳида кўриш ўткирлиги, кўриш қобилятининг энг кўп қисми 0,02 қадар тўғри келди, бу – беморларнинг 36,8% ташкил қилди, ишемик типдаги Б кичик гуруҳида нисбий афферент қорачиқ нуқсони аниқланди: синов ТПВТ ишемик типдаги тромбознинг 61 ҳолатида (69%) мусбат (ижобий) бўлди. (3-расм).

ТПВТ ишемик типдаги тромбоз учун фундус линза билан офталмоскопия ўтказилганда: 77% ортиқ беморларнинг тўр пардасида унинг юзасини 70% эгаллаган шиш, 75% ҳолатларда шаффоф суюқлик кўринишида перипапилляр шиш ҳосил бўлган. 18% ҳолатда полиморф қон қуйилиши ва претўр парда қон қуйилишлари мавжуд бўлди, 48% беморларда макула кисталари аниқланди. Деярли 90% ортиқ беморларда 10 дан ортиқ юмшоқ ажралмаларнинг (экссудат) мавжудлиги аниқланган. Оклюзиянинг ишемик типда 40% ҳолатларда неоваскуляризация (яъни томирларнинг улар бўлиши мумкин бўлмаган жойларда ўсиб кетиши) ривожланди. Ишемик бўлмаган типда ҳеч бир ҳолатда неоваскуляризация кузатилмади.

Кўз гемодинамикасини тадқиқ этишда тўр парда веналари окклюзив шикастланган беморларда доплерографик кўрсаткичларнинг тромбоз типига боғлиқ эканлиги аниқланди. КА, ТПМА ва ТПМВ томирларида таҳлил ўтказилди ва қон оқимининг ўз йўналиши бўйлаб тезлиги ўрганиб чиқилди. КА томирларида қон оқимига доир кўрсаткичларнинг таҳлили назоратга нисбатан кўрсаткичларнинг ($V_{syst, cm/c}$) ($t=1,4$; $p>0,05$), ($V_{diast, cm/c}$) ($t=2,05$; $p<0,05$) пасайганлигини, тўр парда вена томирларидаги ишемик типдаги тромбозда (RI) ($t=1,2$; $p>0,05$) ва (PI) ($t=5,4$; $p<0,05$) ошганлигини аниқлаб берди. Тромбознинг ишемик бўлмаган типда ($V_{syst, cm/c}$) ($t=0,61$; $p>0,05$), ($V_{diast, cm/c}$) ($t=0,94$; $p>0,05$) ва RI ($t=0$), қийматлари учун назорат билан фарқи ноаниқ бўлиб чиқди, гарчи (PI) ($2,4+0,31$) кўрсаткичи сезиларли даражадаги фарққа эга бўлса ҳам ($t=3,1$; $p<0,05$).

Тўр парда марказий артериясидаги қон оқимининг таҳлили тўр парда веналаридаги тромбознинг ишемик типда ($V_{syst, cm/c}$) ($t=6,0$; $p<0,05$), ($V_{diast, cm/c}$) ($t=5,1$; $p<0,05$), кўрсаткичларнинг аниқ пасайганлигини, RI) ($t=4,4$; $p<0,05$)

ва (PI) ($t=31,2$; $p<0,001$) кўрсаткичларнинг кўтарилганини кўрсатди. ТПВТ ишемик бўлмаган типидида ушбу кўрсаткичлар худди шу тарзда назорат қийматлари билан аниқ фарқланиши билан ўзгарди, бундан қийматнинг ўзгариши назорат билан таққослаганда етарли бўлмаган қаршилиқ кўрсатиш (резистентлик) кўрсаткичи мустасно (RI - $t=0.86$; $p>0,05$).


Тромбознинг ишемик бўлмаган типидида тўр парда марказий венасидаги қон оқими таҳлили назоратга нисбатан аниқ пасайганини кўрсатди, қон оқимининг энг катта тезлигининг пасайиши (V_{max} , см/с,) дан ($2,96\pm 0,3$) ($t=2,8$; $p<0,05$) гача ва ($3,4\pm 0,4$; $t=2,1$; $p<0,05$) гача. (3 жадвал).

Тўр парда қон оқимининг ултра товуш тадқиқотларидан олинган маълумотлар асосида беморларнинг кичик гуруҳларида тўр парда веналаридаги тромбознинг ишемик типидида гемодинамик ўзгаришлар хоссаларини акс эттирувчи омиллар, айнан эса назорат билан таққослаганда ТПМА қон оқимининг ўз йўлида 2 бараварга пасайиши ($p<0,05$), яъни назорат билан таққослаганда резистентлик даражасининг 1,3 бараварга ошиши ($p<0,05$) ва ТПМВ қон оқими энг катта тезлигининг назоратга нисбатан 1,7 бараварга пасайиши аниқланган.

3-жадвал


ТПВТ бўлган беморлар текширилганда уларнинг КА, ТПМА, ва ТПМВ доплерографик кўрсаткичлари.

Қон оқимининг кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи (n=25)
	А кичик гуруҳи	Б кичик гуруҳи	
	Шикастланган кўз (n=30)	Шикастланган кўз (n=30)	
КА			
V_{syst} , см/с	$28,7\pm 1,0$ $t=1,4$; $p>0,05$	$31,5\pm 4,0$ $t=0,61$; $p>0,05$	$35,2\pm 4,5$
V_{diast} , см/с	$4,6\pm 0,8$ $t=2,05$; $p<0,05$	$7,2\pm 0,8$ $t=0,94$; $p>0,05$	$9,4\pm 2,2$
RI	$0,78\pm 0,05$ $t=1,2$; $p>0,05$	$0,71\pm 0,6$ $t=0$	$0,71\pm 0,03$
PI	$3,2\pm 0,32$ $t=5,4$; $p<0,05$	$2,4\pm 0,31$ $t=3,1$; $p<0,05$	$1,4\pm 0,06$
ТПМА			
V_{syst} , см/с	$6,88\pm 0,28$ $t=6,0$; $p<0,05$	$8,2\pm 0,32$ $t=4,9$; $p<0,05$	$14,23\pm 1,2$
V_{diast} , см/с	$0,55\pm 0,06$ $t=5,1$; $p<0,05$	$2,4\pm 1,2$ $t=2,0$; $p\leq 0,05$	$4,8\pm 0,06$
RI	$0,92\pm 0,04$ $t=4,4$; $p<0,05$	$0,76\pm 0,06$ $t=0,86$; $p>0,05$	$0,7\pm 0,03$
PI	$3,4\pm 0,04$ $t=31,2$; $p<0,001$	$3,0\pm 0,03$ $t=8,7$; $p<0,05$	$1,4\pm 0,05$
ТПМВ			
V_{max} , см/с	$2,96\pm 0,3$ $t=2,8$; $p<0,05$	$3,4\pm 0,4$ $t=2,1$; $p<0,05$	$5,1\pm 0,7$



4- расм. Марказий зонанинг қалинлиги μm

Оптик когерент томографиянинг “3D macula”, “Retinal Map”, “Retinal Thickness Map” сканлаш дастурлари ва тўр парда скани “E MM5” дастурлари бўйича клиник тадқиқотлар ўтказилганда иккала гуруҳ тўр пардаларининг марказий зонанинг (фовеа, парафовеа, перифовеа зоналарида) қалинлиги хусусиятлари ўрганилди. Ишемик типдаги тромбозга эга кичик гуруҳда кўриш ўткирлигининг анча паст кўрсаткичлари аниқланди, мос равишда кўрсатилган учта зонада (унинг тавсифлари: бўйи ва ҳажми бўйича) тўр парданинг нисбатан кўпроқ шишганлиги бу ҳолатга хос (4. ва 5. расмлар).



5-расм. Марказий зонанинг ҳажми (mm^3)

Тўр парданинг ташқи ва ички қатламлари чегараларининг бузилиши билан унинг бутун қалинлигининг шишиши ҳисобига А кичик гуруҳидаги шахсларда макуляр шишнинг баландлиги анча яққол намоён бўлади.

ТПВТ тромбоз бўлган беморларнинг ОКТ маълумотларини таҳлил қилганда ҳолатларнинг учдан бир қисмида тўр пардада кистасимон шиш кузатилди, беморларнинг ярмида турли баландликдаги ва узунликдаги нейроэпителийнинг (НЭ) кўчиб кетган қатлами аниқланди, тўр парда қатламларини ажратиб турувчи чегара бузилган эди. 15% ҳолатларда витреомакуляр адгезия билан орқа гиалоидли мембрананинг қисман кўчиши

ва 4 нафар беморда (3%) - витреомакуляр тракция билан кузатилди. Ишемик типдаги тромбознинг ОКТ тасвири тузилишдаги қуйидаги ўзгаришлар билан фарқланди: тўр парда қатламларини ажратиб турувчи чегаранинг бузилиши билан, кистасимон бўшлиқларнинг юзага келиши билан, нейроэпителый қатламининг кўчиши билан, пигмент эпителийнинг дистрофияси билан, юқори даражадаги рефлексив (интратўр парда тарзда қон қуйиладиган) зоналарининг мавжудлиги билан, фовеоляр чуқурчаларнинг текисланганлиги ёки айрим ҳолларда унинг шаффоф суюқликка проминенцияси билан, IS/OS эллипссимон зонанинг узук-узуклиги билан, момик доғлар мавжудлиги билан, гиперрефлексив зоналарнинг йиғилиб қолиши билан (қуюқ экссудатлар), перипапалляр зонанинг шишганлиги билан, ДЗНнинг шаффоф суюқликка проминенция бўлиши билан.

Амалга оширилган ишлар ва ОКТ маълумотларининг таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди:

1. Фовеоляр зонада тўр пардадаги шиш ишемик типдаги тўр парда веналарида тромбоз бўлган кичик гуруҳдаги шахсларникида 2,6 бараварга катта ва мос равишда ишемик типда бўлмаган тўр парда веналарида тромбоз бўлган кичик гуруҳдаги шахсларникида назоратга нисбатан 2,1 баравар катта, бу кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари билан ўзаро боғланади. Назоратга нисбатан фовеада тўр парда ҳажми Б кичик гуруҳида 2,5 баравар ва мос равишда А кичик гуруҳида 2,2 баравар катта бўлди. Аммо парафовеалар зонадаги шиш кўрсаткичлари назоратга нисбатан А кичик гуруҳида 2 бараварга ва Б кичик гуруҳида 1,5 бараварга юқори эди. Фовеоляр зонадаги мавжуд бўлган шиш ТПВТнинг ишемик ва ишемик бўлмаган типларини ажратишда дифференциявий-диагностик омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Тўр парданинг ташқи ва ички қатламлари ҳисобига, тузилишдаги ўзгаришларнинг мавжуд бўлиши билан: тўр парда қатламларини ажратиб турувчи чегаранинг бузилиши билан, кистасимон бўшлиқларнинг юзага келиши билан, нейроэпителый қатламининг кўчиши билан, пигмент эпителийнинг дистрофияси (тўқимларнинг ўлиши) билан, юқори даражадаги рефлексив (интратўр парда тарзда қон қуйиладиган) зоналарининг мавжудлиги билан, фовеоляр чуқурчаларнинг текисланганлиги билан, IS/OS эллипссимон зонанинг узук-узуклиги билан, момик доғлар мавжудлиги билан, гиперрефлексив йиғма зоналарнинг (қаттиқ экссудатлар) макуляр шишининг баландлиги А кичик гуруҳида анча яққолроқдир.

3. Оптик когерент томографиядан фойдаланиш тўр пардадаги ва унга ёндош тузилмалардаги ўзгаришларни кўриш имкониятини беради, тўр парда веналаридаги тромбозда тўр парданинг ўзгариш хусусиятини ва даражасини аниқлаш имконини туғдиради. Тўр парда веналардаги тромбознинг ишемик типда макуляр зонада унда ҳосил бўлган шиш оқибатида тўр парданинг катта қалинлиги, анча яққол ифодаланган тузилишдаги полиморф ўзгаришлар аниқланади.

IV бобда тўр парда веналари тромбози ривожланиш хавфида FII, FV, PAI-I гемостаз тизими генларининг ва фолат циклидаги MTHFR

геннинг аллел вариантлари аҳамиятини баҳолашни молекуля-генетик типларга ажратиш натижалари кўриб чиқилган.

Асосий гуруҳда ТПВТ эга 152 нафар беморда гемостаз тизимнинг номзод генларнинг алеллари ва генотипларининг тез-тез учраб туриш даражасининг қиёсий таҳлили ўтказилган: II (FII) протротромбин генининг rs1799963 (G20210A), V коагуляцион омилининг (фактор V Leiden) (FV) rs6025 (G1691A), I-типдаги (PAI-I) плазминоген фаоллаштирувчиси эндотелиал ингибитор генининг rs1799768 (-675 5G/4G), метилентетрагидрофолатредуктазалар (MTHFR). Ўрганилаётган полиморфизмлар популяцион частотасини баҳолаш учун кўз касалликларига чалинма-ган шартли соғлом кишиларнинг гуруҳи текширилган (назорат, n=156). (4-7 жадвалар).

ТПВТ бўлган беморлар ўртасида FII генининг rs1799963 (G20210A) полиформизми аллеллари ва генотиплари тақсимланишининг тез-тез такрорланиш даражасини тадқиқ этиш 4-жадвалда тақдим этилган.

Назорат кўрсаткичи билан таққослаганда “А” аллелининг тез-тез такрорланиш даражаси тўр парда веналарида ишемик бўлмаган тромбоз мавжуд бўлган (Б кичик гуруҳида) касаллар кичик гуруҳида юқори бўлган (0,3% – назорат; 1,6% –Б кичик гуруҳи; $\chi^2=2.1$; P=0.1; OR=5.1; 95% CI 0.450-55.81; RR=5.0; CI 0.45- 54.12).

Юқори қийматларга қарамасдан имкониятлар нисбати (OR=5.1), назорат билан тавофути статистик жиҳатдан ишончли эмас эди. Олинган маълумотларга **FII генининг rs1799963 (G20210A)** полиформизми “А” аллелининг ташувчиси бўлиш беморларда ТПВТ ривожланиш хавфига, унинг типидан қатъий назар, таъсир қилмайди (4 жадвал).

4-жадвал.

ТПВТ билан касалланган беморларда ва назорат гуруҳидаги аллелларнинг тез-тез такрорланиш даражаси ва FII генининг rs1799963 (G20210A) тавофутлари аҳамиятининг статистик таҳлили.

Аллеллар ва генотиплар	Гуруҳларда аллеллар ва генотипларнинг тез-тез такрорланиш даражаси		Статистик таҳлилга оид маълумотлар
	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи	
G Аллели	301	311	$\chi^2=1.1$; P=0.3; OR=3.1; 95% CI 0.320-29.96 RR=3.1; CI 0.32- 29.43
A Аллели	3	1	
G/G Генотипи	149	155	$\chi^2=1.1$; P=0.3; OR=0.3; 95% CI 0.03-3.115 RR=1.0; CI 0.961-1.012
G/A Генотипи	3	1	$\chi^2=1.1$; P=0.3; OR=3.1; 95% CI 0.32-30.33 RR=3.1; CI 0.32- 29.27
A/A Генотипи	0	0	–
	A кичик гуруҳи	Назорат гуруҳи	
G Аллели	177	311	$\chi^2=0.2$; P=0.7; OR=1.8; 95% CI 0.11-28.26 RR=1.7; CI 0.11-27.85
A Аллели	1	1	
G/G Генотипи	88	155	$\chi^2=0.1$; P=0.6; OR=0.6; 95% CI 0.03508, 9.188 RR=1.0; CI 0.9701, 1.021

G/A Генотипи	1	1	$\chi^2=0.1$; P=0.6; OR=1.8; 95% CI 0.10-28.5 RR=1.7; CI 0.11-27.68
A/A Генотипи	0	0	–
	Б кичик гуруҳи	Назорат гуруҳи	
G Аллели	124	311	$\chi^2=2.1$; P=0.1; OR=5.1; 95% CI 0.450-55.81; RR=5.0; CI 0.45- 54.12
A Аллели	2	1	
G/G Генотипи	61	155	$\chi^2=2.1$; P=0.1; OR=0.2; 95% CI 0.017-2.21 RR=0.1; CI 0.93- 1.02
G/A Генотипи	2	1	$\chi^2=2.1$; P=0.1; OR=5.1; 95% CI 0.45-57.07; RR=4.9; CI 0.45-53.64
A/A Генотипи	0	0	–
	A кичик гуруҳи	Б кичик гуруҳи	
G Аллели	177	124	$\chi^2=0.1$; P=0.4; OR=0.3; 95% CI 0.03-3.905 RR=0.3; CI 0.03- 3.86
A Аллели	1	2	
